

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*70730804 –Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш
магистратура мутахассислигининг малака талаблари*

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш хукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

	бет
T/p	
1. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаши ва қуриши магистратура мутахассислигининг умумий таснифи.....	4
1.1 Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 70730804 - Автомобиль йўлларини лойиҳалаши ва қуриши магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаши ва қуриши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи.....	4
1.2.1. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаши ва қуриши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаши ва қуриши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаши ва қуриши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаши ва қуриши мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаши ва қуриши таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	8
2.3. Касбий квалификациялар.....	8
2.4. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаши ва қуриши магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
2.5. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаши ва қуриши магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	11
Библиографик маълумотлар.....	12
Келишув вараги.....	13

1. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Таълим шакли бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70730804-Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70730804 - Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.**

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилар;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш – магистратура мутахассислиги – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида илмий-тадқиқотларни олиб бориши, Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги ва Ўзбекистон Республикаси қурилиш комплекси тизимида ташкилот ва корхоналаридағи автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, эксплуатация қилиш ва таъмирлаш, сақлаш, ободонлаштириш, автомобиль йўлларида харакат хавфсизлигини ошириш ҳамда қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш, қурилиш жараённида сифатни бошқариш, йўл сервисини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган муҳандислик масалалари комплексини қамраб олади, шунингдек ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришда барқарорликни таъминлаш, истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади

1.2.2. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– олий таълим, кайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;

– Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари қўмитаси тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотлар;

– илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий тадқиқот ва муассаса ташкилотлари;

- автомобиль йўллари ва йўл иншоатларини лойихалаш, қуриш, эксплуатация ва реконструкция қилишни ташкил этиш корхоналари;

- ҳаракатга ҳизмат қилувчи иншоатларни лойихалаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи техник воситаларни қўллаш ташкилотлари;

- автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш, йўлларни жихозлаш, ободонлаштириш объектларида ишларни ташкил этиш, йўл сервисини ташкил этиш корхоналари ва ташкилотлари;

- йўл хўялигининг ишлаб чиқариш корхоналари ва базалари;

– ташкилий-бошқарув объектлари;

– меъёрий-хукуқий хужжатлар;

- илмий-тадқиқот жараёни;

- ўқув жараёни.

1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- *Илмий-тадқиқот фаолияти;*
- *Педагогик фаолияти;*
- *Лойихалаши-конструкторлик фаолияти;*
- *Ишлаб чиқариши-технологик фаолияти;*
- *Ташкилий-бошқарув фаолияти;*
- *Турли ҳизматлар қўрсатиш.*

Магистратура битириувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

1.2.4. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойихалаши ва қуриши мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70730804 – Автомобиль йўлларини лойихалаши ва қуриши мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувоффик магистратура битириувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- автомобиль йўллари ва ундаги иншоатларни лойихалаш ва қурилишида мавжуд бўлган долзарб илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини тахлил килиш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;

- илмий маколалар, маъruzалар, рисола, укув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir килиш, утказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чикиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий адабиётлар ва интернет тармогида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатаций ютуклар хакидаги маълумотларни максадга йуналган холда кидириш ва топиш;

- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, утказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

- автомобиль йўллари ва ундаги иншоотларни лойиҳалаш ва қурилиши буйича илмий лойиҳаларни ишлаб чикиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чикиш;

- олий таълим, кайта тайёрлаш ва малака ошириш. профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги буйича педагогик ва укув-услубий фаолият юритиш;

- укув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил килиш, замонавий ахборот ва педагогия технологиялардан, уқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб укув машгулотларини утказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning). масофавий ахборот технология ва укув-методик мажмуаларни мукаммал узлаштириш;

педагогия ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- ҳалқаро тажрибаларга мувофиқ автомобиль йўллари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

- ҳалқаро тажрибаларга мувофиқ намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг ҳалқаро тажрибаларга мувофиқ инструментал воситалари ва мухитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

- лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш ва мониторингини олиб бориш;

- фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;

- икътисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш, йўл хўжалигига қурилиш-монтаж ишларини хавфсизлик техникиси талабларига мувофиқ олиб боришни ва объектларни синовдан ўтказиш ва фойдаланишга топширишни ташкил қилиш;

- автомобиль йўллари объектларида ишларни ташкил қилиш ва технологияга оид муаммоларни мустақил еча олиши, ҳамда мавжуд моддий ва меҳнат ресурсларини биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган ишлаб чиқариш масалаларини ечишга жалб қила олиш;

- автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, эксплуатация қилиш ташкилотларида, ҳамда қурилиш объектларига қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини етказиб берувчи корхоналарда янги технологик жараёнларни ўзлаштириш ва мавжудларини такомиллаштириш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- автомобиль йўлларни лойиҳалаш ва қуришда ҳалқаро тажрибаларга мувофиқ технологик жараёнлар ва ресурсларни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиши, лойиҳа жамоасини бошқариши;

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиши;

- ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- ҳалқаро тажрибаларга мувофиқ замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиши;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиши;

e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш.

Турли хизматлар кўрсатиши:

- мутахассислик бўйича автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш тизимлари соҳасида мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳларини ишлаб чиқиш;
- автомобиль йўлларини тизимлари магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гурухларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиши.

***2. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаши ва қуриши* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар**

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хуносалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;
- ўз фаолиятида меъёрий хуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмасиши воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари қўмитаси бошқарма ва корхоналари ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиши режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга кўйиш кўникмаларига эга бўлиши;
- Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари қўмитаси бошқармаларида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларини қўллай билиши;
- автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуришнинг турли технологиилари, йўл қурилишида қўлланиладиган машина ва механизmlарни, қурилиш ишларини режалаштиришни, қурилишда ишлатиладиган ёрдамчи конструкциялар ва воситаларни ҳисоблашни ва конструкциялашни билиши бўйича кўникмаларига эга бўлиши;
- автомобиль йўлларини қуришнинг замонавий усуллари, қурилиш ва эксплуатация учун машина, ускуналарни ишлата олиши, автомобиль йўлларининг қурилиши жараёнларини бажариш, қурилиш технологиясини қўллай билиши;
- автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича стратегик режаларни ишлаб чиқиш, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;
- автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича бажариладиган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

2.3. Касбий квалификациялар:

- Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари Қўмитаси структурасига кирувчи ва хусусий автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш корхоналарида муҳандис-қидирув гуруҳи раҳбари, етакчи муҳандис-ложиҳачи, лойиҳа бош муҳандиси, йўл лабораторияси бош мутахассиси, илмий-тадқиқот бўлими мутахассиси, илмий-тадқиқот институтлари етакчи мутахасислари, қурувчи-муҳандис, технолог, йўл корхоналарида мутахассис, етакчи мутахассис, бўлим бошлиғи, ишлаб чиқариш техник бўлим бошлиғи, йўл эксплуатацияси муҳандиси, ҳаракат хавфсизлиги муҳандиси, ишлаб чиқариш техник ва эксплуатация бўлими бошлиғи, бош муҳандис, корхона директори ўринбосари, корхона директори, автомобиль йўллари қўмитаси бўлими бошлиғи, автомобиль йўллари қўмитаси раиси ўринбосари, қўмита

раиси, автомобиль йўллари соҳаси тизимида хар қандай лавозимлардаги квалификацияларига эга бўлиши мумкин.

2.4. 70730804 – Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятининг тавсифи ҳамда касбий компетенциясига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, қўнирма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Мажбурий фанлар”, “Танлов фанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

Мажбурий фанлар блоки:

Ушбу фанлар блоки битирувчida қўйидагилар ҳақида тасаввур, билим ва малака, қўнирма ва компетенцияларни шакллантириши **лозим**:

- илмий тадқиқот методологияси ва экспериментларни режалаштириш - илмий тадқиқот асослари: илмий билиш ва ижодкорликнинг методологик асослари, илмий-тадқиқот ишларининг асосий босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари, илмий-техник ахборотларни қидириш, тўплаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш; илмий тадқиқот услублари: назарий тадқиқотлар методологияси, экспериментал тадқиқотлар методологияси, илмий тадқиқотларда моделлаштириш асослари, диссертация ишини тайёрлаш услуби ва ҳимояси, ихтирочилик ижодкорлиги асослари, илмий жамоани ташкил этиш; экспериментларни режалаштириш ва натижаларига ишлов беришнинг ўзига хос хусусиятлари: илмий тадқиқотларда компьютер техникаларидан фойдаланиш, экспериментларни режалаштириш ва уларни ўтказиш, эксперимент натижаларига ишлов бериш услублари, илмий ва назарий тадқиқотларни таҳлил қилиш, хулоса ва таклифларни шакллантириш, илмий тадқиқот ишлари ҳисботларини тузиш, илмий маълумотларни чоп этишга тайёрлаш;

- маҳсус фанларни ўқитиш методикаси - таълим жараёнини ташкил этишнинг илмий услубий асослари, маҳсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг мақсади, вазифалари ва унинг мазмунини белгиловчи асосий меъёрий ҳужжатлар, маҳсус фанларни ўқитишининг психологик педагогик асослари, маҳсус фанларни ўқитишида педагогик технологияларни қўллаш, маҳсус фанларни ўқитиш методикаси: маҳсус фанларда назарий дарсларни ташкиллаштириш ва ўтказиш методикаси, маҳсус фанларда амалий ва лаборатория машғулотларини ташкиллаштириш ва ўтказиш методикаси, маҳсус фанларни ўқитишида мустақил таълим, маҳсус фанларни ўқитишида таълим жараёнини бошқариш, маҳсус фанларни ўқитишида талабаларнинг билим, қўнирма ва малалакаларини баҳолаш, педагогик мониторинг ва рефлексия, маҳсус фанлар ўқитувчисига қўйиладиган талаблар, педагогик маҳорат;

- автомобиль йўлларини лойиҳалашнинг ахборот технологиялари - автомобиль йўлларини лойиҳалашда геоахборот тизимлари, автомобиль йўлларини лойиҳалашнинг ахборот технологиялари, лойиҳа-қидирув ишларини замонавий технологияларида бажариш, IndorCAD/Road автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимида автомобиль йўлларини лойиҳалаш, IndorCAD/Road автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимида мұхандислик қидириш маълумотларини ва жойнинг рақамли моделини шакллантириш, IndorCAD/Road автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимида трасса режасини лойиҳалаш, IndorCAD/Road автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимида йўл бўйлами кесимини ва йўл

пойини лойиҳалаш, IndorCAD/Road автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимида йўл тўшамасини ва кичик сунъий иншоотларни лойиҳалаш, IndorCAD/Road автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимида йўлни жиҳозлаш лойиҳасини ишлаб чиқиш, лойиҳа ечимини баҳолаш;

- автомобиль йўлларида геоахборот тизимлари - геоахборот тизимлари ва уларнинг тузилиши: автомобиль йўлларида геоахборот тизимлари, автомобиль йўлларининг ҳаёт циклида геоахборот тизимларининг ўрни, фазога оид маълумотлар модели, геоахборот тизимларида хариталар билан ишлаш, геоахборот тизимларида лойиҳалар; автомобиль йўлларида геоахборот тизимларидан фойдаланиш: автомобиль йўлларининг геоахборот тизимлари, IndorGIS 5.0 универсал геоахборот тизими, IndorInfo/Road 3.0 ахборот тизими, автомобиль йўлларида геоахборот тизимларни кўллаш, автомобиль йўлларини қуриш ишларида GPS технологияларидан фойдаланиш, автомобиль йўлларини эксплуатация қилишда GPS технологияларидан фойдаланиш;

- автомобиль йўлларининг транспорт-эксплуатацион кўрсаткичлари - автомобиль йўлларининг транспорт-эксплуатацион кўрсаткичларини прогнозлаш асослари: автомобиль йўлларининг транспорт-эксплуатацион кўрсаткичлари тизими, автомобиль йўлларининг транспорт-эксплуатацион кўрсаткичларини прогнозлаш ва бошқаришнинг услугий асослари, транспорт оқими ҳолатини прогнозлаш, йўл қопламасининг транспорт-эксплуатацион кўрсаткичларини прогнозлаш, йўл шароитига боғлиқ равища транспорт харажатларини прогнозлаш; автомобиль йўлларининг транспорт-эксплуатацион кўрсаткичларини баҳолаш тамойиллари: автомобиль йўлларининг транспорт-эксплуатацион кўрсаткичларини баҳолаш услублари, автомобиль йўлларининг транспорт-эксплуатацион кўрсаткичларига табиий-иқлим шароитининг таъсири, автомобиль йўлларининг сақланганлигини таъминлаш муаммолари, автомобиль йўлларини диагностика қилиш ва бошқариш, автомобиль йўлларининг транспорт-эксплуатацион кўрсаткичларини оптималлаштириш ва бошқариш модели;

- автомобиль йўллари муҳандислиги - автомобиль йўллари муҳандислигининг назарий асослари: йўл пойи ва йўл тўшамасини қуришнинг назарий асослари, йўл тўшамаси асосини ва автомобиль йўллари қопламаларини қуришнинг илғор технологиялари, турли хил турдаги йўл қопламаларини қуришнинг назарий асослари, асфальтбетон ва цементбетон қопламаларини қуришнинг илғор технологиялари, йўл қопламаси устки юзасига ишлов беришнинг назарий асослари, автомобиль йўлларини қуришнинг материал-техник базаси, йўл қурилиш ишларини ташкил қилиш ва қурилиш ишларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини тузишнинг назарий асослари, йўл қурилишининг замонавий ишлаб чиқариш корхоналари; автомобиль йўлларини реконструкция қилиш: автомобиль йўлларини реконструкция қилишнинг назарий асослари, йўл пойи ва йўл тўшамасини реконструкция қилишнинг илғор технологиялари; автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмиглаш: автомобиль йўлларини сақлашнинг замонавий технологиялари, автомобиль йўлларини жорий ва мукаммал таъмилашнинг замонавий технологиялари, автомобиль йўллари муҳандислигига сифатни бошқариш ва назорат қилиш тизими ва уни такомиллаштириш муаммолари;

- йўл активларини бошқариш - йўл активларини бошқариш асослари ва тамойиллари, йўл активларини жорий этиш масалалари, йўл активларини жорий этишда стратегик режалаштириш, меъёрий хужжатлар базаси ва бюджетни режалаштириш, йўл активларини нархини баҳолаш, йўл активларини нархини баҳолашни нейро-тармоқ прогнозлаш моделлари, йўл активларини нархини туманлаштириш, йўл активлари ҳолатини баҳолаш, қоплама ровонлиги йўл активларини ҳолатини баҳолашда асосий мезон, халқаро ровонлик индекси IRI ва уни ҳисоблаш методикаси, йўл активларини бошқаришда транспорт-эксплуатацион харажатларни ўрни, HDM-RUE таъминот дастури орқали транспорт-эксплуатацион харажатларни ҳисоблаш методикаси, йўл активларини бошқаришда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, автомобиль йўлларининг таснифи, молиявий маблағларини тақсимлашнинг оптималлик эгилиги, йўл активларини

бошқаришда ГИС технологиялари, йўл активларини бошқаришда йўл таъмирлаш ишларини режалаштириш, йўл активларини молиявий бошқариш асослари, йўл соҳасидаги давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, йўл соҳасидаги давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг иқтисодий самарадорлиги.

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида автомобиль йўл соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Танлов фанлари:

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буортмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг маркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгашин томонидан белгиланади.

Илмий фаолият: илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириши, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

Илмий-педагогик ишга бўлган талаблар

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш уқуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Илмий амалиёт (Стажировка).

- соҳа бўйича илмий тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чукурлаштириш;

- фан, соҳа ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

- соҳага тегишли амалий касбий ва илмий тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;

- касбга самарали мослашув имкониятларни таъминлаши лозим.

Бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

2.5. 70730804 –Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиши шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 26 соатгача қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таяинч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабхаси, магистратуранинг асосий таълим дастури (магистратура дастури), автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатация қилиш, йўл қопламаларининг конструкциялари, қурилиш потоклари, технологик хариталар, технологик схемалар, календар-график, қурилиш муддатлари, автомобиль йўлларининг харакат шароитига таъсири, автомобиль йўлларидағи деформация ва бузилишлар, автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш, жорий ва мукаммал таъмирлаш, конструкциялар ишонччилиги, ишонччиликнинг математик аспекти, қайта тиклаш, кўчайтириш, қайта таъмирлаш, композицион қурилиш материаллари, асфальтбетон, бетон, темирбетон, структура ҳосил қилиш, наноструктура, микроструктура, макроструктура, полимерли қўшимчалар, бетон қоришмаси, бетон, полимерцементли бетон, полимербетон, юқори мустаҳкам бетон, фибробетон, нанотехнология, биотехнология, буюртмачи, пудрагчи, ёрдамчи пудратчи, тендер, оферта, циклограмма, тўрсимон график, молиялаштириш графиги, оптималлаштириш, автомобиль йўлларини ҳолати.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:



Тошкент давлат транспорт университети

Ректор О.Абдурахманов

202 йил «_____»
M.Ü.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлиги ҳузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари А.Муминов

202 йил «_____»
M.Ü.

Директор в.б. М.Эсанов

202 йил «_____»
M.Ü.

Ўзбекистон Республикаси
Автомобиль йўллари қўмитаси

Раис ўринбосари,
бош мухандис О.Адилов

202 йил «_____»
M.Ü.

Тошкент архитектура-қурилиш
институти

Ректор Р.Ҳакимов

202 йил «_____»
M.Ü.